

МУЗЕЙЛАРДА ИНКЛЮЗИВ МУҲИТ ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ



Шахноза Абдурахимовна Миралиева

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-02-09>

Аннотация: Бутун жаҳон музейлари экспозиция ва кўргазмаларини турли инсонлар учун очик ва қизиқарли қилиш учун инклюзив дастурларни фаол ишлаб чиқмоқда. Ушбу мақолада АҚШ ва Россия музейларида яратилган инклюзив муҳит, турли кўргазмалар ва фестиваллар мисолида кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистонда «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»ни ратификация қилиниши, барча соҳаларда имконияти чекланган шахсларга шароит яратиш, хусусан музейларда жаҳон тажрибаси асосида инклюзив муҳитни яратиш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, АҚШ, Россия, музей, инклюзия, инсон ҳуқуқлари, имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахслар, экспозиция, тактиль кўргазма.

Аннотация: Музеи по всему миру активно внедряют инклюзивные программы, для того чтобы сделать свои выставки доступными и интересными для разной аудитории. В данной статье рассмотрены музеи США и России на примерах инклюзивной среды, различных выставок и фестивалей. Также, речь идёт о ратификации «Конвенция о правах инвалидов» в Узбекистане, создание условий для лиц с ограниченными возможностями во всех сферах, особенно о формировании инклюзивной среды в музеях на основе мирового опыта.

Ключевые слова: Узбекистан, США, Россия, музей, инклюзия, права людей, с ограниченными возможностями, лица с ограниченными возможностями, экспозиция, тактильная выставка.

Abstract: The world-wide museums are actively developing inclusive programs to make exhibitions and displays open and engaging for diverse audiences. This article examines the inclusive environment created in museums of the USA and Russia through the examples of various exhibitions and festivals. Furthermore, the ratification of the “Convention of the rights of Disabled People” in Uzbekistan addresses the creation of conditions for people with disabilities in all areas, particularly the development of an inclusive environment in museums based on global experience.

Keywords: Uzbekistan, the USA, Russia, museum, inclusion, people’s rights, with disabilities, people with disabilities, exposition, tactile exhibition.

Сўнгги йилларда бутун дунё музейлари экспозиция ва кўргазмаларини турли инсонлар учун очик ва қизиқарли қилиш учун инклюзив дастурларни фаол ишлаб чиқмоқда. Инклюзив муҳит аслида умуман тор ижтимоий масала эмас. Бугунги кунда ушбу соҳада юқори малакали кадрларнинг фаолият юритиши, саховатли хайр-эҳсонлар ва ҳукуматнинг фаол ёрдами кўрсатилиши натижасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

Инклюзия (Inclusion – жалб қилиш, қўшиш) – бу жисмоний ривожланишида қийинчиликларга дуч келган, шу жумладан ногиронлиги ёки ақлий заифлиги бўлган инсонларнинг жамиятда фаол ҳаётга қўшилишидир.

Инклюзив муҳитни яратиш жамият ва маданиятга кириш ва унга қўшилишда қийналаётган инсонларни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий технологиясидир. Музейлар мисолида кўрадиган бўлсак аввало у ерда тўсиқсиз муҳитни яратиш, махсус дастурларни

ишлаб чиқиш ва музей ходимлари малакасини оширишдан иборатдир. Кўпгина музейлар бугунги кунда турли хил аудиторияга мослаштирилмаган, музейларда имконияти чекланган ташрифчилар учун махсус пандуслар, лифтлар, хожатхоналар мавжуд эмас.

Биринчи марта музейларларда инклюзив муҳитни яратиш бўйича изланишларни профессор Ричард Сандэлл (Лестер университети. Музейшунослик тадқиқотлари. (Англия)) ўз ишларида ёритган [1. 45-63]. Олимнинг фикрича, музейлар инклюзив муҳитни яратиши учун биринчидан ногиронлиги бор инсонлар билан мулоқот қилишга қаратилган махсус дастурларга эга бўлиши керак. Иккинчидан, музейлар жамиятда мавжуд бўлган салбий стереотиплар ва одатларни йўқотишга қаратилган ижтимоий ўзгаришларни янада кучайтириши мумкинлигини таъкидлаган [2].

АҚШда барча инсонлар одатга кўра яшайди, уларнинг имкониятларидан қатъи назар, барча биноларга, шу жумладан маданий муассасалар, музейлар ва санъат галереяларига киришда тенг ҳуқуқга эга. Имконияти чекланган инсонларнинг музейларга тўсиқларсиз киришини қўллаб-қувватлаш музейнинг мажбурияти сифатида давлат даражасида белгилаб қўйилган. Шунинг учун музейларда инклюзив муҳитни яратилиши шунчаки қўшимча шароитлар эмас, балки одатий ижтимоий жараён ҳисобланади. Махсус мутахассислар томонидан тайёрланган интерактив саёҳатлар ташриф буюрувчиларга турли оғзаки тавсифлар ва таассурот қолдирувчи сенсорлар орқали музей коллекцияси ҳақида маълумот олишга ёрдам беради. Масалан Смитсон институти таркибидаги музейлар эҳтиёжманд инсонлар ташрифини имкон борича такрорланмас бўлишига ҳаракат қилишади. Ҳар бир музейнинг веб-саҳифасида имконияти чекланган инсонларнинг ташрифи қандай ўтиши тасвирланган видеороликлар мавжуд бўлиб, бу ташрифга максимал даражада тайёрланиш имконини беради.

Вашингтондаги Смитсон Америка санъати музейи ҳар ойда икки маротаба кўзи ожизлар учун “America InSight [3]” услуги бўйича оғзаки экскурсияларни ўтказди. Бу дастур кўзи ожизлар учун мўлжалланган бўлишига қарамай, барча ташрифчилар учун ҳам фойдали восита ҳисобланади. Нью-Йоркдаги машҳур MOMA (Museum of Modern Art) музейи ҳам имконияти чекланган ташрифчилар учун доимий равишда турли дастурларни ташкиллаштиради. Улар ўз фаолиятларида фақатгина эшитиш ёки кўришда заифлиги бор инсонларни эмас, балки Альцгеймер билан касалланган ташрифчиларни ҳам инобатга олишган. Уитни Америка санъати музейи эса ўз веб-саҳифасига эшитиш қобилияти паст бўлган Америка имо-ишора тилида (ASL – American Sign Language) мулоқот қилувчи музей педагоглари иштирокидаги видеороликни [4] жойлаштирган. Видеода замонавий санъат ва тарих акс этган кўргазмалар ҳақида маълумот берилган [5].



Россия музейлари мисолида кўрадиган бўлсак бу жараённинг ривожланиши етти-саккиз йил олдин Москва музейларида инклюзив дастурлар билан шуғулланадиган бўлимларнинг очилиши билан боғлиқдир. Уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Бундай бўлим биринчилардан “Гараж” замонавий санъат музейида ташкил этилган бўлиб, у ҳали ҳам инклюзив амалиётларнинг етакчиси ҳисобланади.

2016 йилда А.С.Пушкин номидаги Давлат тасвирий санъат музейида дастлаб “Музей - барча учун” («Доступный музей») ишчи гуруҳи, сўнг бутун бир фанлараро лойиҳалар бўлими ташкил этилган бўлиб, хомийлар томонидан молиялаштирилган. Музейнинг веб-саҳифасидаги VR-саёҳат [6] орқали эса имконияти чекланган инсонлар жаҳон маданий меросига оид кўплаб экспонатлар билан танишиб чиқишлари мумкин.

Третьяков галериясида бу йўналишга оид бўлим 2021 йилда пайдо бўлган бўлса-да, музей бу соҳада катта тажрибага эга. Музейнинг болалар маркази ўттиз йилдан буён имконияти чекланган болалар билан машғулотлар ўтказиб келади.

2017 йилдан бошлаб Россияда “Одамлар одамлар каби” («Люди как люди») фестивали ўтказила бошлаган бўлиб, у аутизм билан билан касалланган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. 2020 йилдан ушбу фестивал бутун Россия фестивали мақомига эга бўлган. Унда инклюзив дастурларнинг ҳақиқий фидойилари фаолият юритадиган бир қатор музейлар ҳам ўз ташаббусларини кўрсатишади. Масалан 2023 йилда Политехника музейи ушбу фестивал майдонига айланди. Музейнинг очиқ экспозициясида “Юлдузларга яқинроқ” мавзусида тематик экскурсия ташкил этилган. Ушбу экскурсия аутизм билан касалланганлар учун махсус ишлаб чиқилган ва ўқиш орзу қилган инсонларга бағишланган. Экскурсия иштирокчилари авиация ва космик жисмларнинг макетларини, шунингдек, Политехника музейи коллекциясидаги космик оламни ўрганишга оид ноёб ашёлар: скафандрлар, турли асбобларни томоша қилишган. Ўқиш ҳақидаги қизиқарли ҳикоялардан сўнг, ташрифчилар учун махсус маҳорат дарси ташкил этилиб, унда барча ўзи ўқишни орзу қилган космик апаратыни чизган.

Давлат Эрмитажида эса “Кўринмас санъат. Имкониятлар чегарасини кенгайтириш” (Незримое искусство. Расширяя границы возможного) кўргазмаси ташкил этилган бўлиб, ушбу кўргазма “Экспонатларга тегиш мумкин эмас” деган музейларнинг доимий қондасига қарши ўларок, “Санъат намуналарига тегиш мумкин, хатто керак” деган шиорни илгари сурган. Россия ва дунёнинг йирик музейларидан бири бўлган Эрмитаж аслида кўп йиллар давомида инклюзив форматлар билан тажриба ўтказиб, бадий асарларнинг нусхаларини яратди: барельефлар, тактиль нусхалар, 3D портретлар. Дастлаб бу йўналиш кўришда заифлиги бор ва кўзи ожиз ташриф буюрувчилар учун мўлжалланган эди, аммо санъатга тактиль ёндашув кенг жамоатчиликка яқин эканлиги маълум бўлди. Ҳар бир инсон санъат намуналари бўлган ҳайкални ёки эски гиламни ушлаб кўришни хоҳлайди. “Кўринмас санъат” кўргазмасида ташриф буюрувчилар ҳақиқатдан ҳам санъат намуналарини ушлаб кўриш, уларни ҳис этиш қандай эканлигини тушинишди [7].



Умуман тасвирий санъат асарларининг тактиль идрок этиш учун мўлжалланган катта ҳажмдаги макетларини Давлат тарих музейи, Серпухов тарихий-бадий музейи ва Москва шаҳрининг бошқа бир қатор музейларида учратиш мумкин. Бу эса Россия музейларида инклюзив муҳитнинг яратилишига катта эътибор қаратилганидан далолат беради. Давлат тарихи музейи инклюзия бўлими бошқарувчиси Анастасия Овчаренко “Биз ҳар доим терминология билан курашиб келамиз. Биз “ногирон” эмас, балки ногиронлиги

бор ташрифчи дейишни тарафдоримиз. Чунки биз ташрифчи билан иш юритамиз, унинг ташхиси билан эмас. Бу ўта нозик масалани музейнинг ҳар бир ходими – кўриқлаш хизматидан то чипта сотувчигача ва маъмуриятга тушунтиришдан ҳеч чарчамаймиз. Баъзан соғлом инсонлар бу ноўрин ишлатилган сўз қанчалик зарар етказишини тасаввур ҳам қилишмайди” – деб таъкидлаб ўтган [8].



Жаҳон музейлари мисолида кўриб чиқилгандан сўнг, албатта Ўзбекистонда бугунги кунда музейшунослик соҳасида инклюзив муҳитнинг яратилиш жараёни қандай кечмоқда? – деган савол туғилиши табиийдир.

Ҳар бир соҳада инклюзив муҳитни яратиш бўйича республикамызда бир қатор муаммолар мавжуд. Ижтимоий объектларни кўпи ногиронлар тўсиксиз фойдаланишига мослаштирилмаган. Жамоат жойларида ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур эшитиш ва кўриш маълумотлари, шу жумладан рельеф нўқтали Брайль шрифтида тайёрланган кўрсаткич ва белгилар мавжуд эмас. Мана шу каби камчиликларни инобатга олиб, республикамызда қатор ишларни амалга ошириш мақсадида қарорлар қабул қилинмоқда ва уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-резолюцияси билан «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» [9] ҳамда «Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол» қабул қилинган. Бугунги кунгача бир қатор давлатлар томонидан ратификация қилинмоқда. Ўзбекистон «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясига 2009 йил 27 февралда имзо чеккан бўлса, 2021 йил 7 июнда «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью Йорк 2006 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни қабул қилди ва Конвенция ратификация қилинди [10]. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатларнинг ногиронларнинг мустақил турмуш кечиришлари ва турмушнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари учун уларнинг бошқалар билан тенг равишда ижтимоий муҳитдан, транспорт, ахборот ва алоқа, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида аҳоли учун тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари кўрсатилган [11. 5].

2020 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ-641-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-74-сон қарори ва 2024 йил 18 июлдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва

тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-266-сон қарори қабул қилинди.

Энг асосийси қабул қилинган қонунда [12] илк бор ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт объекти эмас, балки, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг объекти сифатида таърифланди. Асосий янгиликлардан бири, бу – илгари Ўзбекистон қонунчилигида бўлмаган «ногиронлик белгисига кўра камситиш» тушунчасидир. Янги қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик тамойили акс эттирилган: “Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланади”, деб белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу масала бўйича муҳим қарор ва фармонларни қабул қилгани, “Инсон қадри учун” тамойили асосида Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани уларни умидсизлик ва ишончсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига қўмаклашиши, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаши белгилаб қўйилгани юртимизда инсон манфаатлари ҳамма вақт давлатнинг эътиборида эканлигидан далолат беради.

Республикаимиз Президенти Янги Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тубдан ислох қилиниб, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ногиронликни белгилашда янги тизимга ўтиш масаласига катта эътибор берилаётгани, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ва ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос «ижтимоий модели»га босқичма-босқич ўтилиши, ногиронлиги бўлган шахслар – «муаммоси бор инсонлар» деган қарашдан воз кечиб, уларнинг имкониятини кенгайтириш учун, аввало, ижтимоий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш йўлидан боришимиз зарурлигини таъкидлаган [13].

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 30-моддаси “Маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш” деб номланиб унинг биринчи банди ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини эътироф этади. Ушбу банднинг “с” қисми эса улар айнан театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва туризм хизматлари каби маданий тадбирлар ўтказиладиган ва хизматлар кўрсатиладиган жойлардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари, шунингдек миллий маданий аҳамиятга эга ёдгорлик ва объектлардан энг кўп имконият даражасида фойдаланишлари кераклиги белгилаб қўйилган [11. 37].



Сўнгги йилларда республикаимиз музейларига ташриф буюраётган имконияти чекланган шахсларга эътибор қаратилмоқда. Темурийлар тарихи давлат музейида бу учун экскурсоводлар томонидан алоҳида ёдашув талаб этилган. Масалан музейга ташриф буюрган кўришда заифлиги бор ёки кўзи ожиз ташрифчилар учун махсус экскурсиялар ташкил этилади. Бу экскурсиялар қизиқарли маълумотлар билан янада тўлдирилади, экспонатларнинг кўриниши ҳақида батавсил маълумотлар берилади. Экскурсовод кўмагида музейда жорий этилган смарт-технологиялар орқали аудио-гидлар эшиттирилади. Музейнинг келгуси режаларида эса Амир Темури ва темурийлар даврига оид ноёб ашёларнинг 3D макетлари жамланган тактиль кўргазмалар ташкил этиш белгиланган.

Умуман республикаимизнинг кўп музейлари ҳозирги пайтда янги босқичда. Шу нуктаи назардан музейларда амалга оширилаётган ишлар қаторида имконияти чекланган ташриф буюрувчилар билан ўзига хос муомала қилиш ва зарур ҳолларда уларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасига эга бўлган кадрларни тайёрлаш учун махсус курсларни ташкил этиш, шунингдек ҳид, товуш, мусиқа орқали онгли ва вербал тавсифлаш мумкин бўлган экспонатлар кўргазмаларини ташкил этиш, имконияти чекланган шахслар учун кичик гуруҳли маданий тадбирлар (спектакллар, ҳаваскорлик кўргазмалари, танишиш тадбирлари, маҳорат дарслари) ташкил этиш ва ушбу тадбирларга овоз беришда синхрон таржима учун асбоб-ускуналар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sandel R. Social inclusion, the museum and the dynamics of sectoral change. *Museum & society*. 2003. 1 (1), 45–62.
2. Доница И. Центр инклюзии // Москва: Музей, №3, 2017.
3. America InSight: Verbal Description Tours - Знакомство с Америкой: Устные описательные туры.
4. <https://whitney.org/Education/Access/Vlogs>
5. Береговая Е. Все меньше барьеров для искусства: как инклюзия меняет работу музеев. 21 декабря 2021. *Forbes Life*. <https://www.forbes.ru/forbeslife/450465-vse-men-se-bar-erov-dla-iskusstva-kak-inkluzia-menaet-rabotu-muzeev>
6. <https://vr.arts-museum.ru/>
7. Малкиель И.К. Незримое искусство. Расширяя границы возможного. <https://www.hermitagemuseum.org/what-son/a2f96e9bd182a7fa5551f81c0698cc07?lng=ru>
8. Лунина Л. Музейная инклюзия — это портал в будущее, где люди будут сопереживать друг другу. *Новости искусства. The Art Newspaper* 13.05.2022. <https://www.theartnewspaper.ru/posts/20220513-gvwo/>

9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида. 2021 йил 7 июнь, ЎРҚ-695-сон. <https://lex.uz/en/docs/5447413>
10. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги КОНВЕНЦИЯ. Сўз боши. А.Саидов. Ногиронлар — халқаро ҳуқуқ ҳимоясида. Toshkent: Baktoria press, 2013, Б. 5. 56 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида. 2020 йил 15 октябрь, ЎРҚ-641-сон. <https://lex.uz/acts/5049511>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаати. «Халқ сўзи». 2021 йил 4 декабрь. № 253.
13. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги КОНВЕНЦИЯ. Toshkent: Baktoria press, 2013, Б. 37.